

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 8 июль, № 133 (5300) Жума


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI 20 YIL

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

***Истиқлолга эришганимиздан сўнг бутун мамлакатимизда бўлгани каби юртимизнинг энг жанубий нуқтаси — Сурхондарё вилоятида ҳам ислоҳотлар изчил амалга оширилгани туфайли бу ерда янги-янги саноат корхоналари бунёд этилди, шаҳар ва қишлоқлар ўзгача қиёфа касб этди.***

## ХОРИЖ ЖАРҚЎРҒОН МАҲСУЛОТИГА ХАРИДОР

Илгари, масалан, Жарқўрғон туманининг Норали Боймуродов номидаги қишлоғида ихчамгина ип йигирув-тўқув фабрикаси мавжуд бўлган бўлса, ҳозир бу ерда "Сурхонтекс" корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Американинг "COLDES GROYPE LLC S.F" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур корхона "Асака" банки вилоят филиалининг 6,5 миллион евро миқдоридаги кредити эвазига Германия, Швейцария, Чехия фирмаларининг энг сўнгги русумдаги технологиялари билан жиҳозланган. Унда юзлаб ишчилар меҳнат қилиб, Германия, Эрон, Россия, Украина каби ўнлаб мамлакатларнинг буюртмаларини қойилмақом қилиб бажармоқдалар.



Натижада 2010 йилда 2994 тонна калава ип ишлаб чиқарилди. Бу — 4 миллиард 717 миллион сўмлик маҳсулот, дегани. 3 миллион 475 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспортга йўналтирилди. Шу йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида эса экспорт режаси 226 фоизга бажарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 150 фоиз ўсишга эришилди.

(Давоми 2-бетда).



## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Янги технология самараси

**БУХОРО туманида тадбиркор Амина Рамазонова саъй-ҳаракати билан мева ва сабзавот маҳсулотларини қуритиш ҳамда улардан турли шарбатлар тайёрлашга ихтисослаштирилган "Абрикос фруктус плюс" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.**

Бунинг учун тадбиркор 30 миллион сўм сарфлади. Ҳозир бу ерда хориждан келтирилган замонавий технологик линия ёрдамида кунига ярим тоннагача мева ва сабзавот маҳсулотлари қуритилмоқда. Корхонанинг Галаосиё қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ҳудудига яқин жойлашгани эса ўқувчиларнинг бу ерда амалиёт ўташи ва иш ўрганишлари учун қулайлик туғдирди.

Айтиш жоизки, сўнгги беш йилда туманда тадбиркорлик субъектлари 1300 тага кўпайиб, уларнинг сони уч мингтадан ошиб кетди.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёшларга иш ўринлари

**УРГАНЧ шаҳрида коллеж битирувчилари учун навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.**

Шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирган мазкур тадбирда 69 та корхона ва муассаса 367 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмарка давомида 149 нафар кишига муқим ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилди. Уларнинг 132 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Эътиборли жиҳати, йил бошидан буён вилоятда 55 та меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу тадбирлар туфайли 5 минг 600 нафарга яқин киши ўз иш жойларига эга бўлди.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### 437 миллион сўмлик қурилиш ашёси

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Бўстонлиқ туманида тўғридан-тўғри киритилган 2,7 миллион АҚШ долларилик хориж сармояси эвазига "Gazalkent stone" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган эди.***

Ҳозир корхонада замонавий технологиялар ёрдамида шифтбоп бетон қопламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ўтган қисқа муддатда корхона жамоаси буюртмачиларга 437 миллион сўмлик қурилиш материаллари етказиб берганлиги эътиборлидир.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда туманда саноат корхоналарини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш бўйича 3 та лойиҳа амалга оширилиб, пировардида 55 та қўшимча иш ўрни яратилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларининг амалга оширилаётгани, қадимий шаҳарларимизнинг неча минг йиллик тарихи, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятлари тикланаётганлиги туризм имкониятларини янада кенгайтирди.***

## «ЎЗБЕКИСТОН — БЕТАКРОР ЮРТ»

### — дейишмоқда мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар

Хусусан, Шарқнинг қадим дурдоналаридан саналган Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Хива, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги тарихий ёдгорликлар қайтадан юз очди. Эндиликда бу муқаддас қадамжоларга хорижий сайёҳларнинг қизиқиши тобора ошиб бормоқда.

Қашқадарёда бугунги кунда 18 та сайёҳлик компанияси, ташкилотлари ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда. Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари қурилиб, сервис хизмати кўрсатиш яхшиланди. Айни пайтда ўндан ортиқ туристик йўналишлар саёҳатчилар хизматида.

**Ифтихор**

Маълумки, Қарши шаҳри тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидан қолишмайди. Шаҳарнинг ҳозирги кунгача сақланган ёдгорликлари давлатимиз ва халқимиз ардоғида. Улардан Кўкгумбаз, Қашқадарё кўприги, Одина жоме масжиди бутун дунё саёҳатчиларига Марказий Осиё тарихининг энг ноёб ва қизиқарли манбаси сифатида аҳамиятлидир.

— Вилоятда 20 га яқин туристик ташкилот ва меҳмонхона хўжаликлари, "Ориентир стар Шаҳрисабз" ва "Тур эдд тровел" масъулияти чекланган жамиятлари, "Китоб сайёҳ" хусусий фирмаси, "Nasaf travel" компанияси, "Афсона АМБ", "Жайҳун", "Тинчлик", "Реал комфорт", "Сарбон ЛТД" фирмалари, "Гиссарнефтгаз" қўшма корхонаси ҳамда турли масъулияти чекланган жамиятларга қарашли меҳмонхоналар маҳаллий ҳамда чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Қашқадарё вилояти сайёҳлик ва экскурсиялар бюросининг директори Ўктам Хўжаяров. — Ташкилотимиз уларнинг фаолиятини лицензиялаштиришни амалга ошириш билан бир қаторда, туризм соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириб бораётир. 2010 йилда "Ўзбектуризм" миллий компанияси Польша давлати билан ҳамкорликда Шаҳрисабз шаҳрида 5 миллион АҚШ доллари қийматидаги уч юлдузли, 60 ўринли меҳмонхонани фойдаланишга топширди. Шунингдек, Қарши шаҳри марказида "Nasaf travel" компанияси томонидан ички инвестиция ва кредит ҳисобига замонавий уч юлдузли, 80 ўринли меҳмонхона қайта реконструкция қилинмоқда.

2011 йилнинг биринчи чорагида саёҳатчиларга 262914,1 минг сўмлик пулли, уч мингдан ортиқ кишига эса туристик хизматлар кўрсатилди. Шу жумладан, 200 нафар чет эллик сайёҳ, 100 нафар Ҳамдўстлик мамлакатлари фуқаролари қабул қилинди. 2760 нафар маҳаллий аҳолига меҳмонхона ва экскурсия хизматлари кўрсатилди. Кўриниб турибдики, йилдан-йилга саёҳатчилар сони ортиб бормоқда. Улар Қарши шаҳридаги Одина, Кўкгумбаз тарихий обидалари, Қашқадарё кўприги, Шаҳрисабз шаҳридаги "Оқсарой" маданий ёдгорлиги, Китоб туманидаги Ҳазрати Башир, Қамаши туманидаги Лангар ота зиёратгоҳлари билан бир қаторда, мустақиллик йилларида яратилган бунёдкорлик ишларини ҳавас ва иштиёқ билан томоша қилишаётир. Хорижлик сайёҳларнинг асосий қисми Россия, Япония, Корея Республикаси, Германия, Ҳиндистон каби мамлакатлардан келишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

***Давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар, таклифлар ва вазифалар юртимизда жамият ҳаётини демократлаштиришнинг янги бир босқичини бошлаб берди, десак, муболаға бўлмайди.***

Чунончи, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида самарадорликни оширишнинг муҳим омили сифатида халқаро экспертлар, илмий доиралар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини узлуксиз эркинлаштириш жараёни кечмоқда, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг роли тобора мустаҳкамланаётир. Аҳамиятлиси, мазкур янгиланишлар ҳокимиятларнинг тақсимланиш принципи асосида муваффақиятли амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимиятининг бири-биридан мустақил учта тармоққа — қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши, бу ҳокимият тармоқларидан бирининг ҳокимиятни танҳо эгаллаб олишига йўл қўйилмаслиги, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг шакллантирилиши аҳоли турли гуруҳлари манфаатларининг

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

зарур мувозанатини, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгани мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида ўз ифодасини топган.

Хусусан, ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамаси муайян аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитишлари мумкин бўлган бўлса, эндиликда Асосий Қонунимизнинг 78-моддаси 15-бандига киритилган қўшимчага мувофиқ, Олий Мажлис палаталарига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи берилди.

Шу ўринда мазкур тартиб-таомил мамлакатимиз парламенти тарихида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

**Тадбир**

***Пойтахтимиздаги Япон боғида "Болалик шарафига" деб номланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.***

## ЭЗГУЛИКДАН БАҲРАМАНД АВЛОД

Ушбу тадбир "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида тўртинчи бор ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол шахс бўлиб вояга етиши учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ТАБИАТНИНГ НОЁБ ТУҲФАСИ

***Мутахассисларнинг таъкидлашича, табиат кўркамлиги, энг аввало, тириклик манбаи ҳисобланган сув ресурсларига боғлиқ. Гарчи республикамиз уммон ва денгизлардан олисда жойлашган бўлса-да, унинг бағрида ҳавзалар кам эмас: 505 та сув омбори ва 500 та кўл мавжуд.***

Улар орасида энг йириги Тузкон, Арнасой ва Айдаркўлдан таркиб топган "Айдар — Арнасой" кўллари тизимидир. У нафақат Ўзбекистондаги, балки Марказий Осиёдаги энг катта кўллар сифатида маълум ва машҳур. Мазкур сув ҳавзасининг узунлиги 350, эни 45 километрни, чуқурлиги эса 45 метрни ташкил этиши бунинг яққол исботидир.

**Экомедиатур**

Яқинда марказий оммавий ахборот воситалари ходимларининг бир гуруҳи ушбу сув ҳавзасига ташриф буюриб, бу ерда олиб борилаётган ишлар самараси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Экомедиатур Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан "Chinor ENK" экологик нашриёт компанияси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда "Экосан" халқаро фонди ҳамкорлигида ташкил этилди. Сафар "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида ёзилган энг яхши журналистлик иши учун" республика кўрик-танлови доирасида уюштирилгани журналистларнинг ўзаро тажриба алмашиши учун айни муддао бўлди.

(Давоми 3-бетда).

**Бир рақам шарҳи**

## Озиқ-овқат товарлари кўпаймоқда

**Мамлакатимизда 2011 йилнинг дастлабки чорагида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 11,5 фоизни ташкил қилди.**

Республикамизда қўлга киритилаётган бундай юқори ўсиш суръатлари кўпчиликнинг ҳавасини келтириб, ҳайратга солаётгани айни ҳақиқат. Негаки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари ҳали тўлиқ бартараф этилмаган дунёнинг айрим давлатларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳамон долзарблигича қолаяпти. Экологиянинг ёмонлашиб, турли табиий офатлар рўй бераётгани эса вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Ана шундай мураккаб бир шароитда юртимизда Президентимиз ташаббуси билан аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераяпти.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида янги-янги замонавий корхоналар барпо этилаяпти. Мавжудлари эса техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилинмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида 156,8 миллиард сўм миқдоридаги маблағ озиқ-овқат корхоналарини модернизациялаш ва зарур хом ашёлар сотиб олишга йўналтирилди. Буларнинг барчаси юртимиз аҳолисини муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли равишда таъминлаш имконини бераётир.



# ТАБИАТНИНГ НОЁБ ТУҲФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

...Эрта тонгда журналистлар, эколог-олимлар, тегишли ташкилотлар вакиллари автобусда Тошкентдан Айдаркўл томон йўл олди. “Олис йўлни гап қисқартиради” деган ақидага амал қилган йўловчилар ўзаро гурунглашиб кетишди. Гап-сўзлардан маълум бўлдики, ҳамкасбларимизнинг аксарияти ҳали Айдаркўлда бўлмаган экан. Шу боис ҳамма ҳаяжонда, дилидаги гап тилига кўчади: кўлга қачон етиб борамиз?

— Кўзланган манзилимиз яқин эмас, қарийб 500 километрлик масофа. Унга қанча вақтда етиб боришимиз йўлга боғлиқ, — дейди гуруҳ етакчиси, “Chinor ENK” экологик нашриёт компанияси мутахассиси Рустам Ибрагимов. — Биз масофани қисқартириш учун Жиззах вилояти орқали борамиз.

Шундан сўнг гап мавзуси кўлнинг пайдо бўлишига бурилди. Ҳамма билганларини айтади. Мутахассислар эса ҳар бир маълумотга изоҳ бериб, уларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини тасдиқлашади.

Аслида, Айдаркўлнинг пайдо бўлганига ҳали кўп бўлгани йўқ. 1969 йилгача унинг ўрнида кичик-кичик шўр кўллар ва Жалпоқшўр шўрхоки мавжуд эди. 1968-69 йилларда ёғингарчиликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши туфайли Сирдарё оқимининг бир қисми (қарийб 21 куб км.) “Чордара” сув омбори ва Арнасой орқали “Айдар” ботиғига оқизилади. Шу тариқа табиатнинг камёб ҳодисаси рўй берди: саҳро қўйнида улкан кўл ҳосил бўлди. Яъни Жиззах ва Навоий вилоятлари биохилма-хиллигини асраш, ҳайвонот, наботот ва қушлар дунёсини сақлаш, уларнинг эмин-эркин кўпайиши учун қулай табиий муҳит вужудга келди.

## Ўтовда меҳмон бўлганмисиз?

— Ана, Айдаркўл! — “Экосан” халқаро фонди вакили Зарифжон Қўзиевнинг гапидан ҳамма сергак тортди. Айниқса, йўлда толиқиб, кўзи илинган телеоператор ва фотомухбирлар кўк тасмадек чўзилиб кетган кўлни тасвирга муҳрлай бошладилар. Бу пайтда Форишдан ўтиб, Нурота туманига яқинлашиб қолган, аммо ҳамон соҳилдан анчайин йироқда эдик. Яна икки соат йўл босилгандан сўнггина белгиланган манзилга етиб келдик.

Бизни кўл яқинидаги “Uzbekistan For Yuo” сайёҳлик компаниясига қарашли мўъжазгина “Айдар” оромгоҳида унинг директори Людмила Валькова кутиб олди. Оромгоҳ деганлари 10 дан ортиқ ўтов, чоққина ошхона, турли тадбирлар ўтказиладиган маскандан иборат бўлиб, бу ерда кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Очиғи, сафар аввалида Қизилқум чўлида шундай ажойиб маскан бор, дейишса, ҳеч ким ишонмасди.

— Оромгоҳ бундан 10 йил аввал чўл ҳаёти билан қизиққан, хусусан, Айдаркўлни кўриш учун келган меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган, — изоҳ берди Л. Валькова. — Бу ерга Европа мамлакатлари, айниқса, Франция ва Германиядан кўплаб сайёҳлар келишади. Улар нафақат кўлни томоша қиладилар, балки чўл табиати бағрида сайр қиладилар, мазкур ҳудудда тинч-тотув яшаётган турли миллат ва элатларнинг ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари билан яқиндан танишадилар. Оромгоҳимизнинг 12 кишилик жамоаси эса улар учун турли тадбирлар уюштиради. Шунинг учун Қизилқумга келувчи сайёҳларнинг сони тобора ортиб бораяпти. Масалан, биз ҳар мавсумда 1000 нафардан ортиқ меҳмонларни қабул қиламиз.

Барханлар устига тикилган ўтов кондиционернинг ўзгинаси экан. Саратон қуёши тик келиб, қизил тусли қумни азбаройи қиздираётган бир пайтда унинг ичида ғир-ғир шабада эсади. Атроф эса жим-жит, қурт-қумурсқалар ҳам ўзини сояга олган. Фақат олисдан, чўпонлар суруви томонидан элас-элас қўнғироқ овози эшитилади. Ташқарида тўда-тўда бўлиб ўсган ям-яшил саксовуллар ястаниб ётибди. Уларга боқиб, она-табиатнинг беқиёс мусаввирлигидан лол қоласан, киши.

## Бебаҳо хазина

Салқин ўтовда бир оз тин олгач, ҳамма бирдек кўл томон ошиқди.

Мана, биз интиқиб келган Айдаркўл! Бир томони Шарқий Қизилқум чўли, яна бир тарафи Нурота тизма тоғлари билан туташиб кетган. Атрофга боқсангиз, унинг чек-чегараси йўқдек, гўё осмон билан туташиб кетгандек туюлади. Юзингизга тўлқинлар олиб келган майин шаббода урилади. Руҳингиз тетиклашиб, ўзингизни қушдек енгил ҳис эта бошлайсиз. Ногаҳон, хаёлингизни сув устида арғимчоқ солиб учаётган қушлар чуғури бўлиб юборади.

Дарвоқе, кўл ҳудудида ноёб қушларнинг кўпайиши учун қулай муҳит вужудга келган. Шу боис бу ерда қишлайдиган турлар тобора кўпаймоқда. Масалан, юртимизда қушларнинг 463 тури учраса, шундан 280 тури Айдаркўл атрофида ин қуриб, полапон очади.

— Балиқлар кўлнинг энг катта бойлигидир, — дейди Навоий вилоятидаги “Қизилқум балиқ” давлат унитар корхонаси директори вазифасини бажарувчи Эшмурод Тоғаев. — Ҳавзада табиий ҳолда балиқларнинг 35 тури учрайди. Биз ҳавзадан самарали фойдаланиш мақсадида маҳсулдор балиқ турларини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги “Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, табиий кўл ҳавзалари, хусусан, Айдаркўлнинг вилоятимиз ҳудудидаги қисмида 32 та фермер хўжалиги ташкил этилган. Уларга аҳоли севиб истеъмол қиладиган зоғора балиқ, судак каби 7 турдаги балиқ чавоқлари етказиб берилаяпти. Бултур Айдаркўлнинг ўзида 450 тонна балиқ овланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ошиши кутилаяпти. Ахир, ўтган олти ойда 280 тонна “луқмаи ҳалол” эл дастурхонига ҳадя қилинди-да.



***“Айдар — Арнасой” сув ҳавзаси инспекцияси давлат инспектори Нарзулла Йўлдошевнинг айтишича, “2008 — 2015 йилларда Ўзбекистон “Айдар — Арнасой” кўллари тизими экологик ҳолатининг барқарорлигини ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича ҳаракатлар Дастури” доирасида бажарилган лойиҳалар самараси туфайли кўл экотизими яхшиланиб, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг эндемик турларини сақлаб қолиш имкониятлари янада кенгайди. Изчил олиб борилаётган бундай ишларнинг аҳамияти инобатга олиниб, 2008 йили “Айдар — Арнасой” кўллари тизимига Рамсар конвенция котибияти томонидан “Халқаро муҳофаза этиладиган кўллар” мақоми берилди.***

## Кичик оролларга саёҳат

Айдаркўлга сув тушиш ҳажми 1994-95 йилларда кескин ошиши натижасида унинг майдони янада кенгайди: жониворларнинг кўпайиши учун қулай бўлган кўплаб орол ва ярим ороллар пайдо бўлди.

Ороллар атрофи қамиш ва бошқа сув ўтлари билан қопланган. Унга яқинлашганингиз сари ғалати овозлар эшитилади.

— Бу тўнғизнинг овози, униси қамиш мушугиники, — дея бизни орол табиати билан таништиради “Айдар — Арнасой” сув ҳавзаси инспекцияси бошлиғи ўринбосари Элибой Примов. — 22 кишилик жамоамиз шу каби камайиб кетаётган турларни муҳофаза қилишга бел боғлаган. Ҳар бир инспектор зарур ускуна ва жиҳозлар, техника воситалари билан таъминлангани браконьерликнинг олдини олишда қўл келаяпти.

Кўллар тизими Жиззах вилоятидаги Оқбулоқ, Сангзор дарёсининг Қийли ва Арнасойга қуйилаётган Марказий Мирзачўл ташламаси оқими ҳисобига тўлдирилади. Кейинги пайтда кўлларга сув тушиш ҳажми камайиши оқибатида уларнинг сатҳи пасайиб, минераллашув даражаси ортаяпти. Бу, ўз навбатида, кирим сувлар ҳажмини ошириш, барқарор сув билан таъминлаш масаласини ҳал этишни тақозо этади. Зотан, “Айдар — Арнасой” кўллар тизими минтақада биохилма-хилликни асраш, ҳайвонот ва наботот турларини сақлаш, ноёб қушларни кўпайтиришда беқиёс аҳамиятга эгадир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЖАҲОН 24 соат ичида

***Россиянинг бир қатор ҳудудларида рўй берган ўрмон ёнғинлари катта талафотлар келтириб чиқармоқда.***

## «Тилсиз ёв» талафоти

Хусусан, табиий офатдан Узоқ Шарқ ўлкасидаги яшил ҳудудга жиддий зарар етган. Ҳозир оловни тезроқ бартараф этишга юзлаб киши ва махсус техникалар жалб қилинган. Ўт ўчириш хизмати вакиллари ёнғин аҳоли яшаш жойларига хавф солмаслигини айтишмоқда.

Ёнғин Сибирь ўрмонзорларида ҳам кузатилаётир. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 25 та жойда ёнғин ўчоғи пайдо бўлган. Тезкор чоралар туфайли улардан 8 тасини ўчиришга муваффақ бўлинди.

Ёнғинларни келтириб чиқарган сабаблар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.



## Муттасил ёмғир туфайли

***Хитойнинг Шэньси музофотидаги Люэян уездида юз берган кўчки мудҳиш воқеаларга сабаб бўлди.***

Жумладан, беш минг кубометрга тенг тоғ жинслари 12 та уйни босиб қолган. Табиий офат 18 кишининг умрига зомин бўлган, бир неча киши эса бедарак йўқолган. Кўчки сурункали ёққан ёмғир туфайли келиб чиққани айтилмоқда. Айни пайтда воқеа юз берган жойда 400 нафардан зиёд қутқарувчи иш олиб бораётир.

Синоптиклар Шэньсида кузатилаётган ёғингарчилик қачон тиниши ҳақида жўяли бир гап айта олишмаяпти. Шу боис баъзи ҳудудлардаги аҳоли бошқа ерларга кўчирилган.

## Патийалида юз берган фожиа

***Ҳиндистон шимолида йўловчиларни олиб кетаётган автобус поезд билан тўқнашиб кетди.***

Патийали шаҳрида юз берган мазкур фожиа оқибатида 30 нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Фалокат содир бўлган вақтда автобусда жами 70 киши бўлган. Улар яқинларининг тўйидан қайтишаётганди.

Нохуш воқеа автобус ҳайдовчиси айби билан юз бергани билдирилмоқда. Яъни у йўлни кесиб ўтишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаган. Натижада катта тезликда келаётган поезд автобусни уриб юборган.

## Машқ вақтидаги кўнгилсизлик

***АҚШда ҳарбий самолёт ҳалокатга учради.***

Воқеа мамлакат Қуролли кучларининг Калифорниядаги денгиз пиёда қўшинларига қарашли Кэмп-Пендлтон қароргоҳи ҳудудида юз берган. Оқибатда бир нафар аскар ҳаётдан кўз юмган, беш нафари тан жароҳати олган.

“ABC News” телеканали хабарига кўра, фалокат ўқув машқлари олиб борилаётган пайтда юз берган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари қаторида саноатимизни ҳам жадал ривожлантиришга эришдик. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий ускуналар билан жиҳозланган кўплаб янги корхоналар ишга туширилгани, эскилари модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланагани бунга имкон берди. Эндиликда буларнинг бари ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтиришга хизмат қилаётир.***

# РАҚОБАТБАРДОШ, СИФАТЛИ ВА АРЗОН

## маҳсулотлар замонавий дастгоҳлар ёрдамида тайёрланмоқда

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида жойларда корхоналарнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, инвестицияларни, шу жумладан тижорат банкларининг маблағларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш бўйича олиб борилган ишлар кутилганидан ҳам зиёд самара бераётганлиги, ҳатто, хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳазорасп тумани Питнак шаҳарчасидаги “Hazorasp Roof” масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти шундай янгиланишлар ва юксалишларга ёрқин далил бўла олади.

Асбестцементли шифер, металл черепица ва профнастил ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур жамият банкрот деб топилган “Ҳазорасп гилами” МЧЖ негизида, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг молиявий кўмагида ташкил этилган. Унинг фаолиятини йўлга қўйиш учун 2 миллиард 153 миллион сўм маблағ сарфланиб, мавжуд бино ва иншоотлар реконструкция қилинди, коммуникация тармоқлари тўлиқ янгиланди, чет элдан эса замонавий технологиялар келтирилиб

### Модернизация

ўрнатилди. Натижада 2009 йилда 64,3 миллион сўмлик, 2010 йилда 917,6 миллион сўмлик, жорий йилнинг ўтган даврида 130 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш таъминланди. Эътиборлиси, бу ерда тайёрланган қурилиш материаллари Хоразм вилоятидан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларига ҳам етказиб берилмоқда.

Бугунги кунда корхонада 46 нафар ишчи-хизматчи ишламоқда. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратиб берилган.

— Энг замонавий дастгоҳлар, — дейди корхона раҳбари Комилжон Авезов, — замон талаблари даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга асос бўлмоқда. Бироқ эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмай, маҳсулот таннархини камайтириш, унинг сифатини янада ошириш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ билан ҳамкорликда модернизациялаш ишларини узлуксиз давом эттираяпмиз.

Гап шундаки, Президентимиз Фармонига биноан, тижорат банклари томонидан банкрот бўлган корхоналар мулклари негизида янгидан ташкил қилинган корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб уч йил муддатда бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўловидан озод этилган. Биз ҳам мазкур имтиёздан оқилона фойдаланиб, иқтисод қилинган маблағларни айни шу мақсадларга йўналтираяпмиз.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, шу йил охиригача “Hazorasp Roof”да 240 минг донага яқин сифатли шиферлар ишлаб чиқарилади. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, юқори сифатни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бу ниятнинг ушалишидан далолат бериб турибди.

**Ойбек РАҲИМОВ.** t

# ВАТАН РАВНАҚИ – УСТУВОР МАҚСАДИМИЗ

*Бугун кўпчилик биз, ёшларга ҳавас билан боқади. Бу бежиз эмас. Зеро, юртимизда навқирон авлод вакилларининг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, ташаббускор, интилувчан йигит-қизларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ғамхўрлик бизга юксак марраларни забт этиш, ўз кучимиз, билимимиз, истеъдодимиз билан ютуқларга эришиб, жамиятда муносиб ўринга эга бўлишимиз учун имкон яратмоқда.*

Ўзим ҳам ана шундай беқиёс имкониятлардан унумли фойдаланишга интилиб, ҳунармандчилик фаолиятимни бирмунча кенгайтириб олишга эришдим. Гап шундаки, бундан икки йил аввал коллежни битиргач, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” деб номланган танловда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган эдим. Шундан сўнг танлов сертификати билан банкдан 1 миллион 600 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим. Мазкур маблағга иккита тикув машинаси ва бошқа зарур жиҳозларни сотиб олиб, ижарага олинган мўъжазгина дўконда “Модалар ательеси”ни ташкил этдим. Натижада икки киши ишли бўлди, беш нафар уй бекасини эса касаначилик асосида буюртмалар

### 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

билан таъминладик. Ишни намунали асосда йўлга қўйиш, мижозлар талабини қондиришга астойдил ҳаракат қилганимиз боис фаолиятимиз ойдан-ойга кенгайиб борди. Кредитни ҳам саккиз ойда қайтаришга муваффақ бўлдик.

Шу орада ишчилар билан биргаликда каштачилик ва зардўзлик ҳунарини мукаммал ўзлаштириб олдик. Бир йилдирки, миллий услубдаги либослар, сўзаналар, уй интерьерида қўлланадиган безакли буюмлар тикаяпмиз. Даромадимиз яхши, бир кун ҳам бўш қолганимиз йўқ. Ательемиздан анчагина узоқда яшайдиганлар ҳам хизмат кўрсатган мижозларимиз орқали бизни суриштириб, буюртма бериш учун атайин қидириб келаётганликларидан бениҳоя мамнунмиз.

Яқинда яна бир қувончли воқеа рўй берди. Яъни, Модалар уйида тикилган либослар тўпламини Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган “Қўли гулдир ўзбек аёлин...” деб номланган республика кўргазма-ярмаркасида намойиш этишга муваффақ бўлдик. Кўргазмада иштирок этиш биз учун эл эътиборини қозониш, янгидан-янги мижозлар орттириш, ҳамкорликда ишлаш учун таклифлар олиш, таниқли ҳунармандларнинг маҳорат сабоқларида қатнашиб, малака ошириш ва энг муҳими, бизнес соҳасидаги фаолиятимизни янада жонлантириш имконини берди. Янада хурсанд бўлганимиз, ушбу тадбирда миллий каштачилик буюмларимизга кўплаб хорижлик меҳмонлар ҳам харидор бўлишди, улардан буюртмалар олдик. Бу бизга илҳом бағишлади. Бугун маҳсулотларимиз нафақат юртимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам кенг танилиши учун бизда етарлича имкониятлар борлигини ўйлаб, ғайрат билан ишлаяпмиз. Келажакда топган маблағимизни фойдали юмушларга сарф этган ҳолда, ательени катта бир ишлаб чиқариш корхонасига айлантириш орзусидамиз. Энг асосий мақсадимиз ана шу эзгу ниятни амалга ошириб, Ватанимиз равнақига муносиб улуш қўшишдир.

**Шаҳло ЗОИРОВА,**
**ёш тадбиркор.**
Тошкент шаҳри

XALQ BANKI

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танлов ўтказади.

Танлов ҳужжатлари тўпламини ваколатли қатнашувчилар қуйидаги манзилдан олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси
Давлат-тижорат Халқ банки,
100096, Тошкент шаҳри,
Қатортол кўчаси, 46-уй.

Телефонлар: (+99871) 150-13-36, 150-13-37.
Факс: (+99871) 273-89-44.
E-mail: security@xb.uz

Барча таклифлар Халқ банкининг юқорида кўрсатилган манзилига **2011 йил 12 июль куни соат 17.00 гача тақдим қилиниши лозим**.

Мазкур муддатдан кейин тақдим этилган таклиф ва қўшимчалар қабул қилинмайди.

# САҲНАДА — КОЛЛЕЖ ҲАВАСКОРЛАРИ

*Самарқанд педагогика коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳаваскор санъат ва фольклор жамоалари ўртасида мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб “Барҳаёт анъаналар” фольклор кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.*

Келажак авлодни миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида анъанавий тарзда мазкур ўтказиб келинаётган танловда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 300 нафарга

### Танлов

яқин ўқувчи ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Якунда барча шартларни аъло даражада бажарган Самарқанд вилоятидаги Пайшанба маиший хизмат касб-ҳунар ва Тайлоқ педагогика коллежлари ўқувчиларидан ташкил топган “Сарбозлар” фольклор жамоаси ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, олий совриn — Гран-прига лойиқ топилди.

Биринчи ўрин Сурхондарё вилоятидаги Бойсун қурилиш ва иқтисодиёт коллежининг “Сайқал”, иккинчи ўрин Тошкент вилояти педагогика коллежининг “Зиёкор”, учинчи ўрин эса Хоразм вилоятидаги Янгибозор маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг “Чанқовуз” жамоасига насиб этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЎЛАН АЙТГАЛИ КЕЛДИК»

***Наманган шаҳрида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилган “Ўлан айтгали келдик” мавзуида фольклор санъати байрами бўлиб ўтди.***

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 120 нафар ўлан ва лапар усталари фольклор санъатининг мазкур йўналиши бўйича ўз дастурларини намойиш қилдилар.

### Санъат

Икки кун давом этган фестивалда самарқандлик Нурхон Усмонова, андижонлик Шаҳноза Искандарова, Наманган шаҳрилик Ёқутхон Раҳматуллаева, жиззахлик Гулчеҳра Хайруллиналар “Энг яхши лапар ижрочиси”, “Энг ёш лапар ижрочиси”, “Малоҳатли лапар ижрочиси” каби номинациялар бўйича ғолиб деб топилди. Уларга тадбир ҳомийлари томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО

(8 июль)





**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 21-23, кундузи 39-41 даража иссиқ бўлади.

**Республикамизнинг тоғли туманлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Газета ва газетхон:

# ЮЗМА-ЮЗ

— Наманган вилояти ҳокимининг қарори билан ўтган йил охирида Наманган шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган “Дамас” русумли автомобилларга лицензия бериш тўхтатиб қўйилганди. Бироқ шаҳар кўчаларида ушбу русумдаги транспорт воситалари ҳамон йўловчи ташиётгани кўзга ташланмоқда. “Дамас”ларга лицензия бериш яна бошландими?

**Ғ. БОБОМИРЗАЕВ.**
Наманган шаҳри

## Транспорт фаолияти такомиллашмоқда

— Дарҳақиқат, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш маданияти ва сифатини янада яхшилаш, йўловчи ташиш транспорти фаолиятини тартибга солиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2010 йил 1 декабрь куни вилоят ҳокимининг “Вилоятда йўловчи ташиш транспорти фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, мазкур ҳужжатда Наманган шаҳри ҳудудида йўналишли такси ва енгил такси сифатида фаолият кўрсатиш учун микроавтобуслар, “Дамас” ва шу турдаги бошқа автомобилларга лицензия бериш тўхтатилганди. Ушбу қарорга биноан, шаҳар йўналишларида фаолият кўрсатаётган “Дамас” русумли автомашиналар шаҳар атрофи йўналишларига жойлаштирилди.

Айни чоғда мазкур қарор ижросини таъминлаш, ҳаракат хавфсизлиги ва йўлларда тирбандликни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Давлат солиқ қўмитаси ва “Ўзавтодарётранс” агентлигининг қўшма буйруқлари ҳамда тасдиқланган ҳамкорлик режаларига асосан, қўшма рейдлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 103 марта ана шундай тадбирлар ташкил этилди ва транспорт воситаларини тегишли ҳужжатларсиз (лицензия) бошқарган 755 нафар ҳайдовчининг қонунбузарлиги юзасидан ДСИ ходимлари томонидан далолатнома тузилиб, 598 та ҳолат бўйича 490320,4 минг сўм миқдорида жарима жазоси қўлланилди. 12 та ҳолат юзасидан эса жиноий иш қўзғатилди.

**Ҳ. БОЙДАДАЕВ,**
**«Ўзавтодарётранс» агентлигининг Наманган ҳудудий бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.**

## Меҳнат муносабатларининг янги тартиби

— Пенсия ёшига етдим. Лекин ишимни давом эттирмоқчиман. Бунга рухсат бериладими? Ҳам маош, ҳам пенсия пули олишим мумкинми?

**А. ҚЎШЕВ.**
Вобкент тумани

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 2011 йил 1 январдан кучга кирган 100-моддаси 7-бандига кўра, ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Шунингдек, пенсия ёшига етган фуқаронинг ишни давом эттириш масаласи ҳам иш берувчи томонидан бир томонлама ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ёшга доир пенсия тайинланиб, меҳнат фаолиятини давом эттирган тақдирда, пенсионернинг ойлик иш ҳақи тўлиқ миқдорда (солиқ ва мажбурий ажратмалар ушланган ҳолда) тўланади. Қуйидаги тоифага кирувчи ва ҳозирда ҳам ишлаб турган пенсионерларнинг пенсиялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлиқ миқдорда тўланади: Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари (уларга тенглаштирилган шахслар), I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган шахслар; Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларини бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаганлар; фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раислари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи аёллар (ёшга доир пенсия).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги ПФ-1289-сонли Фармонига мувофиқ, юқоридаги тоифага мансуб бўлмаган қолган барча пенсионерларга, уларга тайинланган пенсияларнинг 50 фоизи тўланиши белгиланган.

**Ш. МАНСУРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг ўринбосари.**

*— Солиқ қонунчилигига кўра, асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган фуқаролар жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишлари шарт. Мен штат бўйича битта ташкилотда меҳнат қиламан. Лекин бўш пайтларимда газета ва журналларга мақолалар ёзиб, эвазига қалам ҳақи олиб тураман. Айтингчи, қалам ҳақи олаётганим учун ҳам декларация тақдим этишим керакми?*

**У. ҚАМАРИТДИНОВ.**
Улуғнор тумани

## Декларация тақдим этилади

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасига мувофиқ, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар Ўзбекистон Республикаси резидентларининг декларация асосида солиқ солинадиган даромадларига киради.

**Б. МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.**

— 2004 йилда туманимиздаги умумтаълим мактабининг 11-синфини битирдим. Транспорт соҳасига қизиққаним учун автомобилларни таъмирлайдиган мутахассис бўлиб етишгим келади. Буни қарангки, маҳалламиз яқинида янги транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи қад ростлади. У ерда ўқимоқчиман. Лекин ёшим тўғри келмайди. Шундай бўлса-да, ўқишим мумкинми?

**Ш. РУСТАМОВ.**
Паркент тумани

## «Коллежда ўқисам дейман»

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш белгиланган. Маълумки, мамлакатимизда 12 йиллик таълим тизимига ўтиш мақсадида юртимизнинг турли ҳудудларида замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди. Бугунги кунда академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари ўзлари танлаган йўналишлар бўйича таҳсил олмоқдалар. Шунингдек, мамлакатимизда касб-ҳунар ўрганмоқчи бўлганлар учун ҳам кенг шароитлар яратилган. Жумладан, шаҳар ва туманлардаги Бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ташкил этиладиган қисқа муддатли курслар орқали зарур касбларни бепул ўзлаштириш имконияти мавжуд. Тўлов-шартнома асосида ўқув курслари орқали ҳам билим олиш мумкин. Бундан ташқари, иш берувчиларнинг талабномалари асосида касб-ҳунар коллежлари базасида қисқа муддатли курслар ташкил этилиб, унда касб-ҳунар ўрганмоқчи бўлган фуқароларнинг таҳсил олишларини йўлга қўйиш учун қонуний асослар яратилган.

**З. ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директор ўринбосари.**

## Ёшлар доимо эътиборда

*— Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишда уларга қандай қўшимча кафолатлар берилади?*

**З. ТЎХТАЕВ.**
Денов тумани

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 239-моддасига асосан, белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шарт.

Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилишни рад этиш тақиқланади ва бундай ҳолат юз берганда судга шикоят қилиш мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказилиб турилиши керак.

**Э. САЙИТОВ,**
**ҳуқуқшунос.**



*— Тошкент шаҳрида коммунал хизматлар ва квартира ҳақини уй-жой мулкдорлари ширкати белгилаяпти. Шундай бўлиши қонунга мувофиқ бўлса керак. Лекин шаҳарнинг турли жойларида бу нархлар бири-биридан кескин фарқ қилмоқда. Айтинг-чи, бу борада нарх сиёсати назорат қилинадими?*

***А. НУРМАТОВ.***
*Мирзо Улуғбек тумани*

## НАРХ ВА ФАРҚ

— Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрелдаги “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатларига ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни, ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш кабилар киради. Тасдиқланган меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибга кўра, ширкат раислари, бошқарув аъзолари кўп хонадонли уй-жойларни кўздан кечириб, бажариладиган ишларни белгилаб оладилар. Тегишли носозликлар хусусида далолатнома тузиб, ҳар куни бажариладиган ишлар билан бирга йиллик, чорак ва ойлик иш режаларини тузишлари ҳамда бу ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва маблағлар ҳисобини аниқлашлари зарур. Уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ойдинлашгандан сўнг уйни мукаммал таъмирлаш учун депозит ҳисоб рақамига ўтказиладиган 30 фоиз маблағ инобатга олинган ҳолда, умумий харажат ва уй умумий майдонининг 1 кв.м. мажбурий бадали миқдори аниқланади. Мажбурий бадал миқдори умумий мажлисда тасдиқланади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир ширкатда мажбурий бадал миқдори турлича бўлиши мумкин. Мажбурий бадал бўйича тариф сиёсатини назорат қилиш ширкат аъзоларининг умумий мажлиси ваколатига киради.

**Р. ҚУРБОНОВ,**
**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.**

## Антивирус — компьютер «қўриқчиси»

*— Уйимда шахсий компьютерим бор. Охирги пайтларда унда турли вируслар кўпайиб кетди. Шу вирусларга қарши қандай миллий ёки хорижий дастурлар бор? Уларни қаердан топса бўлади?*

**Ҳ. ХОЛИҚОВ.**
Гулистон шаҳри

— Шахсий компьютерни зарар келтирувчи дастурлар (вируслар)дан ҳимоя қилиш учун ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш лозим. Аввало, антивирус базаси мунтазам равишда (ҳар куни) янгиланиб борадиган антивирус дастурий таъминоти ўрнатилган бўлиши зарур. Номаълум сайтларга ташриф буюрганда, эҳтиёт бўлиш керак. Вирусларга қарши дастурий таъминоти билан текширмасдан туриб, ҳеч қачон Интернет тармоғи ёки электрон почтадан олинган иловаларни юклаш ҳамда уларни ишга тушириш мумкин эмас.



Компьютер хавфсизлигини таъминлаш учун, юқорида айтиб ўтганимиздек, хавфсизлик воситалари дастурий таъминотини ўрнатиш лозим. Мазкур дастурий таъминот (вирусларга қарши дастур, тармоқлараро экранлар) пуллик ва бепул бўлади. Бепул дастурий таъминотни Компьютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати (UZ-CERT)нинг www.cert.uz сайтидан ёки шундай дастурларни ишлаб чиқарувчилар сайтларидан юклаб олиш мумкин. Шунингдек, UZ-CERT сайтининг “Мақолалар” бўлимида маълумотлар хавфсизлиги, шу жумладан, шахсий компьютерларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича фойдали ахборотлар жойлаштирилган.

**А. ИШАНХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари.**



## ВАКОЛАТИГА КИРМАЙДИ

*— Коллежда дарс бераман. Ўқувчиларимнинг кўпчилиги олий ўқув юртига кириш ниятида. Уларда амалий кўникма ҳосил қилиш мақсадида худди 1 августда бўладиган тест каби тажриба синови ташкил этмоқчи эдик. Бу борада Давлат тест маркази ёрдам кўрсатиши мумкинми?*

**Б. ҚОДИРОВ.**
Наманган тумани

— Олий таълим муассасаларига кириш учун абитуриентларга 1 августда ўтказиладиган тест синовлари бўйича тажрибавий тест синовлари ташкил этишда ёрдам бериш Давлат тест маркази ваколатига кирмайди.

**Б. ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори.**



**Кейинги пайтда милким тез-тез шишиб, пилла пайдо бўлаяпти ва оғриқ бераяпти. Халқ табобати усулида пиллани йўқ қилиш мумкинми?**

**А. АЛИҚОРИЕВ.**
Андижон тумани

## Гиёҳлар милкка малҳамми?

Тиш ва милкларнинг касалликка чалиниши оғиз бўшлиғини нотўғри парваришлаш оқибатида келиб чиқади. Хусусан, милкларнинг шишиб, йиринг боғлаши ҳам шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаслик натижасидир. Бу ҳол тиббиётда “флюс” деб юритилади. Флюс хасталигида йиринг тиш канали орқали унинг атрофидаги тўқималарга ўтиб, охир-оқибат тиш йўқотишга олиб келади. Ушбу касаллик организмда калий, кальций, фосфор ҳамда турли витаминлар етишмаслиги, ширинликка ўчлик, хамирли таомларни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш оқибатида ҳам пайдо бўлиши кузатувлардан маълум. Шу боис йилига камида икки маротаба стоматолог мутахассисга мурожаат қилиш ўринлидир.

Пилланинг қайтиши ва даво топиши учун халқ табобатида синовдан ўтган қуйидаги усулни қўллаш мумкин. Масалан, 10 грамм мойчечак гулини 200 грамм қайноқ сувга солиб, дамлаб қўйилади. Дамлама илигач, сузиб олиб, у билан тез-тез оғизни чайиб туриш керак. Оғиз бўшлиғини аччиқтош (алюмин квасци)нинг сувли эритмаси билан чайиш ҳам милк пилла боғлашининг ва милк безлари яллиғланишининг олдини олишда наф беради.

Шунингдек, шалфей ва асал қайнатмаси, пиллани даволаш билан бир қаторда оғиздаги бадбўй ҳидни олади. Бунинг учун 20 грамм гиёҳга 200 грамм миқдорида сув қўшиб, ўн беш дақиқа қайнатиш керак. Тайёр дамламани докадан ўтказгач, шарбатига 1 чой қошиқ асал қўшиб, милкни икки-уч маҳал чайиб туриш лозим.

**М. НАБИЕВ,**
**доришунос.**

Яна саволларингиз борми, муҳтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5